

**“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ
ягона иштирокчисининг 15/2024/24-сон
ҚАРОРИ**

Тошкент ш.
Амир Темур кўчаси, 66-уй

31 июль 2024 йил
Соат: 15:00

“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) **ягона иштирокчиси** – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўлиб, уставга асосан иш юритувчи Бошқарув раиси Б. Сидиқов.

Жамият томонидан таклиф қилинган шахс: бош директор – Ш. Асланов.

КУН ТАРТИБИ:

Жамиятнинг жорий хўжалик фаолиятини таъминлаш учун шакллантирилган моддий-техник ресурслар рўйхатини давлат харидлари сайтида эълон қилишга розилик бериш.

Кун тартибидаги масала бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПҚ – 4105 – сон қарорининг 4 – бандига мувофиқ, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек устав капиталининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар **ҳар йили 1 декабрга қадар** келгуси йилда жорий хўжалик фаолиятини таъминлаш учун моддий-техник ресурслар рўйхатини шакллантириш ва уларни кузатув кенгашлари розилиги билан **давлат харидлари сайтида мажбурий тартибда эълон қилиш белгиланган.**

Шунга кўра, Жамият томонидан 2025 йил учун моддий – техник ресурслар рўйхати тасдиқланган (рўйхат илова қилинади) ва 2024 йил 10 июлдаги 055/2910-сон хат билан “Ўзбекнефтгаз” АЖга тақдим қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 30 – моддаси ҳамда Жамиятнинг уставига асосан, Жамият ягона иштирокчиси **қарор қилади:**

1. Мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ, Жамиятнинг 2025 йил учун тасдиқланган моддий – техник ресурслар рўйхатини давлат харидлари сайтида эълон қилишга розилик берилсин.

2. Жамият бош директори (Асланов) тасдиқланган моддий – техник ресурслар рўйхати ўрнатилган тартибда давлат харидлари сайтида мажбурий тартибда эълон қилинишини таъминласин.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ
Бошқарув раиси



Б. Сидиқов